*АВГУСТ—ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ*

# ДЕҲҚОН НИГОҲИ ҒЎЗАДА

**Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг СССР Олий Совети депутати Абдусаттор Шарипов бошлиқ 60 центнерчи бригадаси пахтакорлари ҳар туп ғўзада рекорд ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Мухбиримизнинг оташқалб бригадир билан суҳбати пахтакорларнинг август ойи вазифалари ҳақида борди.**

**Мухбир** — Август ойида ғўзаларни озиқлантиришни қандай ташкил этиш керак? Бу саволга ўз бригадангиз мисолида жавоб беришингизни илтимос қиламан.

**Бригадир** — Пахтадан эртаги ва юқори ҳосил етиштириш учун ғўза парвариши август ойи охиригача қизғин давом эттирилиши керак. Бунда ғўзаларни «шарбат» усулида суғориш ва озиқлантириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Маълумки, ўсимликка йиллик минерал ўғитлар нормаси 15-20 июль орасида бериб бўлинди. Бундан кейин минерал ўғитлар бериб бўлмайди.

Бригадамизда ҳар бир картадаги ўсимликнинг ҳолати, ўғитларга бўлган эҳтиёжи ўрганиб чиқилди. Шу кунгача ҳар гектар ер ҳисобига 15—16 тонна органик ўғитлар чиритилган ҳолда ва «шарбат» усулида берилди. Яна 6—7 тоннадан органик ўғитлар солиш ниятидамиз. Шуни кўзлаб қизғин иш олиб боряпмиз. Эгатлар оралиғига органик ўғитлар қанча кўп солинса, шунча яхши. Боиси, гўнг, қўй қийи, эски иморатларнинг майдаланган тупроғи «шарбат» усулида оқизилганида ғўзалар толиқмайди, шоналар, гуллар, тугунчаларини тўкиб юбормайди. Тўқ кўсакларнинг тезроқ етилиб, очилишига, пахта сортининг юқори бўлишига ёрдам беради. Бригадамизда август ойи охиригача ғўзаларни камида икки марта «шарбат»га қондирамиз. Айни кезда сифатли культивация ва чопиқ ўтказиб, намни тўла сақлаб қоламиз.

**Мухбир** — Ҳосил нишоналарининг ҳаммасини тўкилишдан сақлаб қолиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунинг учун нималар қилиш керак?

**Бригадир** — Мавжуд ва бунёдга келтирилаётган ҳосил нишоналарини тўкилишдан тўла сақлаб қолишимиз мумкин ва керак. Пахтакор деҳқонларимиз ана шунга эришиш учун йил-ўн икки ой пешана тери тўкиб меҳнат қиладилар. Шоналар, гуллар, тугунчалар, кўсаклар яратилса-ю, кейинчалик тўкилишига йўл қўйилса, бундан нима фойда? Сарфланган меҳнат ва маблағ, техника кучи, сув ва ўғитлар мўъжизаси бекорга кетади-ку! Ҳозир шундай масъулиятли даврга кирилдики, ғўза парваришини дақиқалар сайин кучайтириш йўли билангина бор ҳосилни сақлаб қолишимиз, кўсакларни тезроқ очилтириб олишимиз мумкин.

Бунинг учун нималар қилиш лозим? Ой давомида культивация, чопиқ, суғоришни бир-бирига узвий равишда боғлаб ўтказиш, ўртада узилишга йўл қўймаслик керак. Масалан, суғоришдан кейин ер етилиши билан культивация ўтказилмаса ёки чопиқ қилинмаса, эгатлар оралиғи қуриб, тупроқ чатнайди, кесак кўчади. Оқибатда илдизлар узилади. Илдизларнинг зарарланиши эса ҳосил нишоналарининг тўкилишига олиб келади. Бунга йўл қўймаслигимиз керак. Август ойи охиригача комплекс парваришнинг кучайтириб борилиши ҳосилдорликни кўтариш, сортнинг юқори, пахта толасининг узун бўлишини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

**Мухбир** — Пахтадан текис ва юқори ҳосил олмок учун нималар қилмоқ керак?

**Бригадир** — Ғўзаларнинг шохларида ҳосил нишоналари маълум тартибда — дастлаб биринчи ярусда, кейин иккинчи, ниҳоят, учинчи ярусда пайдо бўлади. Кўсакларнинг етилиб ва тўлишиб очилиши ҳам шу тартибда давом этади. Бироқ, салмоқдорликка келганда биринчи ва иккинчи ярусдаги кўсакларнинг пахтаси яхши тош босса ҳам, учинчи ярусдаги кўсакларнинг пахтаси анча енгил бўлади. Бунга сабаб шуки, озуқа моддалар, сув, хусусан «шарбат» суви ғўзаларнинг пояси ва шохлари бўйлаб баравар тақсимланмайди. Ҳосилдорлик омилларидан биринчи ва иккинчи ярусдаги кўсаклар яхши баҳраманд бўлганлари ҳолда, учинчи ярусдаги кўсакларга кўпроқ етиб бормайди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, август ойи охиригача, ҳатто сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам шоналарни тезроқ гулларга, гулларни тугунчаларга, тугунчаларни кўсакларга айлантириб олиш учун курашмоғимиз шарт. Бунинг учун агротехниканинг барча тадбирлари қаторида чеканкани ҳам тез ва сифатли ўтказишимиз керак. Ҳосили камроқ карталарга табақалаб яна бир марта комплекс ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Бу борада бригада бошлиқлари, агрономлар, механикларнинг ташкилотчилик роли ва масъулиятини кучайтириш талаб этилади.

**Мухбир** — Чеканканинг аҳамияти ҳақида батафсилроқ гапириб ўтсангиз яхши бўлур эди.

**Бригадир** — Чеканка пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 3—4 центнер кўтариш имконини беради. Гап шундаки, асосий поянинг ўсиш нуқтаси механизмлар воситасида чилпиб ташланганида органик ўғитлар, «шарбат» суви, қуёш нури, ёруғлик сингари омиллар ҳосилга ҳосил қўшиш ва кўсакларни тезроқ очилтиришга хизмат қилади. Бошқа агротехника тадбирлари сингари чеканка ҳам вақтида ўтказилганда июль ойида ҳар туп ғўзада тўпланган 7—8 тўқ кўсак ёнига август ойи охиригача яна 7—8 та тўқ кўсак қўшилади. Бригадамизда биринчи тур чеканкани тугаллаганимизга анча бўлди. Энди зудлик билан иккинчи турини ўтказиб, ён шохларнинг учини ҳам чилпиб ташлаяпмиз.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш кераки, чеканкадан кейин ғўзаларни зудлик билан «шарбат» усулида суғориш талаб этилади. Сабаби шуки, поя ва ён шохларнинг ўсиш нуқтаси чилпиб ташланиши муносабати билан сувнинг буғланиши кучаяди. Ўсимлик вақтида суғорилмаса, буғланган сувнинг ўрни тўлдирилмаса, ҳосил нишоналарини тўкиб юборади, кўсаклар кеч етилади. Ҳозир оқар сув бирмунча сероб. Шунинг учун, ғўзаларни мунтазам «шарбат» сувига қондириб бормоғимиз, лекин ғовлатиб юбормаслигимиз керак. Ҳар бир карта, ҳар туп ғўза кеча-кундуз сувчиларимизнинг эътиборида бўлсин! Чанқаб қолишига асло йўл қўймайлик!

**Мухбир** — Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш хусусида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

**Бригадир** — Ҳаво ҳарорати юқори келиши ва бошқа сабабларга кўра айрим жойларда ўргимчаккана, кўсак қурти пайдо бўляпти. Химизаторларимиз унга қарши таъсирчан чоралар кўрмоқдалар. Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашни ҳамманинг бурчига айлантиришимиз керак. Мен бригадир сифатида ўзимизга қарашли ҳамма майдондаги ғўзаларни кунига икки марта — эрталаб ва кечқурун кўздан кечириб чиқаман. Ҳозирча касалликка чалинган ёки ҳашаротлар зарарлаган ғўзалар йўқ. Бундан кейин ҳам пайдо бўлишига йўл қўймаймиз.

Бригадамиз аъзолари ғўза парваришини кучайтириш билан бирга пахта йиғим-теримига ҳам пухта тараддуд кўрмоқдалар. Механизаторларимиздан кимлар қайси картанинг пахтасини теришини аниқ белгилаб чиқдик. Улар ўзларига бириктилган пайкаллардаги бегона ўтларни йўқотмоқдалар. «Зангори кема»лар ремонтдан чиқарилди. Тележкаларни ҳам тахт қилиб қўйдик. Ғўза парваришини терим бошлангунча қизғин давом эттирамиз. Ҳар туп ғўзада 14—16 та тўқ кўсак бунёдга келтириш ва эртаги пахтани кўпайтириш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаверамиз.



**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. — 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз! Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг Маҳсуда Мирвалиева бошлиқ бригадаси аъзолари ана шу шиор остида мардона меҳнат қилишяпти. Ҳар туп ғўзада ғуж-ғуж шона, гул ва кўсак мавжуд. Бригада аъзолари ҳосил нишоналарини янада кўпайтириш, кўсакларни бўлиқ қилиш учун ғўзани озиқлантиришга, айниқса, «шарбат»га қондиришга алоҳида эътибор беришяпти. Суратда: (ўнгдан) илғор механизатор Зокир Аҳмедов, совхоз партия ташкилоти секретари Наҳандир Бердибоев, бригада бошлиғи Маҳсуда Мирвалиева ва бўлим агрономи Эргаш Чўлиев ғўза ривожини кўздан кечиришяпти.**

**Х. Аввалов** фотоси.

## Гектаридан 100 центнердан

**Қашқадарё областининг Кўкрик Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ғулом Турсунов бошлиқ бригадаси аъзолари 100 гектар майдонда «1-335» навли маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Бригадада ўрим авж олдириб юборилди. Ҳозир пайкалларда 5 та «Херсонец» агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. Айниқса, Пўлат Рўзибоев, Жамил Санаев, Сафар Жўраев каби дала гвардиячилари кунига 5—6 гектар ердаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишмоқда.**

**Дастлабки эришилган натижалар қувончли бўляпти. Ҳар гектар ердан 100 центнердан дон ва 450 центнердан силосбоп поя олиняпти.**

## БАЛИҚЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Машина бир оз юқорига кўтарилгач, кўз ўнгимизда ажойиб манзара — кенг далаларга туташиб кетган ойнадек кўллар намоён бўлди. Тошкент область, Калинин районидаги «Дамачи» балиқчилик хўжалиги ўз бағрига 356 гектар мовий ҳавзани қамраб олган экан. Бир-бирига туташ кўлларда меҳнат қизиган. Хўжаликда балиқлар парвариши авжида.

— Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда балиқчиликнинг аҳамияти, айниқса, катта дейди хўжалик директори Қодиржон Шарипов. — Хўжалигимизда йил сайин балиқ етиштириш планларини ортиғи билан бажаришга, тармоқни интенсив ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти.

Балиқчилар йил сайин қувончли ютуқларни қўлга киритишяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, 1-класс балиқчи Ҳамид Анваров бошлиқ бригаданинг меҳнат муваффақиятлари барчани қувонтиради. Бригада аъзолари ўзларига бириктирилган 30 гектар кўлнинг ҳар гектаридан 50—55 центнердан балиқ етиштириб келмоқдалар.

Худойберди Раимов, Носир Мамажонов, Рафаиль Багаутдинов, Яхшилик Дўстмурзаевлар ҳам ҳар гектар кўл майдонидан 35—40 центнердан балиқ овлашга эришмоқдалар.

Хўжалик ишчи-хизматчилари ўтган йили пландаги 9580 центнер ўрнига 10000 центнер балиқ етиштирдилар. Кўллардан гектар ҳисобига пландаги 27,9 центнер ўрнига 29,2 центнердан балиқ овлашга эришилди.

Дамачиликларнинг бу йилги аҳди катта. Улар 11500 центнер балиқ етиштиришга бел боғлаганлар.

**Н. АБДУРАИМОВА.**

қиймати социал-иқтисодий функциясини тубдан ўзгартириб юборади, унга бевосита ижтимоий характер бағишлайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқариш чиқимларни муттасил равишда камайтириб бориш мақсадида бу чиқимларни янада аниқроқ ва тўлароқ ҳисобга олиб боришини кўзда тутади. Бунинг учун, хусусан ижтимоий зарурий меҳнат сарфини акс эттирувчи ва шу билан бир вақтда халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида ана шу чиқимларни камайтиришнинг, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан узлуксз такомиллаштиришнинг қудратли омилини таъминлайдиган нормативлар, план баҳолари, тарифлар, расценкаларнинг пухта системасини яратиш талаб қилинади.

3.

Социализм сиёсий иқтисоди хўжалик механизмини, социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг форма ва методларини такомиллаштиришни назарий ва методологик асослашда катта роль ўйнайди. Ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаб ўтганидек, бу иш совет жамиятининг моддий-техника, ижтимоий ва маънавий тараққиёти эришган ҳозирги даража талабларидан орқада қолмоқда. Албатта, бошқаришнинг ҳозирги замон форма ва методларини асослаш — фанлар комплекси вазифасидир. Аммо энг муҳим дастлабки методологик йўл-йўриқлар сиёсий иқтисодни шакллантириши керак.

Хўжалик механизми мураккаб категория бўлиб, у ўзига халқ хўжалигининг ташкилий структурасини, уни бошқаришнинг форма ва методларини қамраб олади. Булар конкрет вазиятни ҳисобга олиб, иқтисодий қонунлар асосида жамият томонидан онгли равишда ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Сўзсиз, хўжалик механизмининг социал-иқтисодий моҳияти социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини яратади. Агар ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатларидан айрим ҳолда олиб кўрилган бўлса, у ҳолда буни тушуниб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш муносабатларини социализм сиёсий иқтисодининг асосий ва специфик объекти сифатида тан олинганлиги унинг энг асосий ютуқлардан бири бўлиб, тўғри синфий ва илмий асосда ривожланиши учун зарур шарт ҳисобланади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари билан муносабатларидаги ўзаро алоқаси муаммоларига диққат-эътиборни кучайтириш зарур. Бусиз ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиётининг йўналишини, улар етуклиги даражасининг ошишини тушуниб бўлмайди, бошқариш ташкилий структурасини такомиллаштириш йўлларини асослаб бўлмайди.

Масалан, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери даражаси эришган ютуқларни, унинг ривожланиши жараёнларини, ихтисослаштириш ва кооперациялаш, унинг вертикаль ва горизонтал структурасини, меҳнатни табақалаштириш ва интеграциялашни, кооперациялашни жиддий таҳлил қилмоқ керак.

Ушбу жараёнларни диққат билан ўрганиш амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган хулосаларни асослаш имконини беради. Бу хулосалар тармоқлараро, регионал ва жуда катта кўламдаги ишлаб чиқариш комплексларининг вужудга келишига, халқ хўжалиги бошланғич звеносининг роли анъанавий корхонадан бирлашмага ўтишига, унинг планлаштиришнинг марказлаштирилган бошқариш доирасида хўжаликни мустақил юритиш фаолияти кенгайганлигига оиддир.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Саноатда ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналар)нинг планлаштиришда ва хўжалик фаолиятида ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг иш натижалари учун масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишда муҳим қадам бўлди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг марказлашган тартибда планлаштириш ва бошқариш доирасида мустақиллиги кенгайтирилганлиги халқ хўжалиги алоқаларининг мураккаблиги ўсаётганлигини, ишлаб чиқариш кучларининг ижтимоий характери янада юқори даражага чиққанлигини, ишлаб чиқариш муносабатлари етуклиги янада юксакроқ даражага етганлигини ифодалайди.

Етук социализмнинг шарт-шароитлари ва эҳтиёжлари сиёсий иқтисодга нисбатан янгидан янги талаблар қўяди ва иқтисодий жараёнларда ишлаб чиқариш муносабатларининг устқурма кўринишлари, одамларнинг онгли фаолияти билан ўзаро алоқаларида субъектив омилларнинг роли ўсаётганлигини ҳисобга олишни талаб қилади.

Бу соҳада ҳам Маркснинг иқтисодий жараёнларни ўрганишга бўлган муносабати фавқулодда ибратлидир. Унинг ишлаб чиқариш муносабатларини таҳлили ҳеч қачон пуч абстракциялар, қуруқ, ўлик схемалар билан чегараланиб қолган эмас. В. И. Ленин «Капитал»ни характерлар экан, шундай деб ёзган эди: «...бу китоб ўқувчига бутун капиталистик ижтимоий формацияни жонли қилиб кўрсатиб берди — унинг маиший томонларини, ишлаб чиқариш муносабатларига хос бўлган синфлар антагонизмининг ҳақиқий социал кўринишларини, капиталистлар синфининг ҳукмронлигини ҳимоя қилувчи буржуа сиёсий устқурмасини, эркинлик, тенглик ва шу кабилар тўғрисидаги буржуа идеяларини, буржуа оила муносабатларини кўрсатиб берди» (ТАТ, 1-том, 148-бет).

Шунга кўра социализм сиёсий иқтисодида субъектив омилларни ҳисобга олиш керак. Бу нарса объектив иқтисодий қонунлар харакати механизмига таркибий кириб кетган. Унда, энг аввало, иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари бир жойга тўпланган ифодаси сифатида иқтисодий сиёсат, хўжалик механизмининг устқурма элементлари ва ниҳоят, миллионлаб меҳнаткашларнинг онгли ижодий фаолияти қамраб олинади.

Сиёсий иқтисод ушбу омиллардан четда қолиши мумкин эмас. Агар шундай бўлса, унинг ҳаётдан ажралиб қолиш, ялтироқлик позицияларига ўтиш хавфи туғиладики, бу нарса илмий назария ролини марксистик нуқтаи назардан тушунишга тубдан қарама-қаршидир.

Субъектив омилларни менсимаслик ишга жиддий зарар келтириши, пассивлик ва тақдирга тан бериш кайфиятини туғдириши, иқтисодий тараққиёт самарадорлиги учун кишиларнинг, ижтимоий институтлар ва ташкилотларнинг масъулиятини сусайтириши мумкин.

Шундай нуқтаи назар ҳам мавжудки, унга кўра социализмнинг иқтисодий қонунлари, гарчи улар тушуниб олинмаган ва жамиятнинг планли равишда онгли фаолияти доирасига кирмаган бўлса ҳам ҳаракат қилаверар эмиш. Бундай ҳолда гўё улар ўзларининг йўқлиги билан намоён бўлар эмиш.

Бундай нуқтаи назар кишида шубҳа туғдиради. Чунки социализмнинг асосий иқтисодий қонуни амалда меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган тадбирлар системаси орқали амалга оширилади. Негаки социализм даврида фаровонликнинг ўсиши ўз-ўзидан, стихияли равишда амалга ошиши мумкин эмас.

Халқ хўжалигининг планли равишда, пропорционал ривожланиши қонуни фақат планлаштириш орқалигина амалга ошади, деган факт устида баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки, келажак давр учун иқтисодий жараёнларнинг асосий параметрларини онгли равишда ўрнатиш ва амалга ошириш зарурлиги ҳаммага маълумдир. Планлаштиришнинг бўлмаслиги очиқдан очиқ стихияни, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожидаги анархияни, планли иш юритишга ошкора қарама-қаршиликни ифодалайди.

Назаримизда, масалани бошқачароқ тарзда тўғри қўйиш керак. Яъни социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари иқтисодий сиёсатда, бошқариш системасида ва одамларнинг кундалик онгли фаолиятида адекват ифодасини топмаса, бу нарса уларнинг ҳаракатини чеклаб қўяди, социализмга ёт бўлган тенденцияларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлайди. Социализм иқтисодий қонунлари ҳаракатининг тўлалиги ва натижакорлиги фақат объектив шароитлар билангина ифодаланиб қолмай, улар субъектив омилларга, одамларнинг бутун онгли фаолиятига ҳам тўғридан тўғри боғлиқдир.

* * *

Социализмнинг сиёсий иқтисодида кўпгина ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолди. Совет иқтисодчи олимлари уларни ҳал этишда фаол иштирок этишни ўзларининг бурчлари ва вазифалари деб билмоқдалар.

**В. МЕДВЕДЕВ.**

(«Правда», 1983 йил 5 август).

*Воқеалар, хабарлар, фактлар*

## ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### ✦ ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

**БЕЛГРАД. Шу беш йилликда Совет Иттифоқи ва Югославия олимлари ўртасидаги ҳамкорлик программасида саноат роботларини яратиш энг муҳим мавзулардан бири ҳисобланади.**

М. Пупин номидаги Белград автоматика ва телекоммуникациялар институти совет шериклари билан мустаҳкам ва кенг алоқа боғлаганлар, деди ТАСС мухбирига институт директори С. Драгоман. «ГВС-100» ҳисоблаш комплексининг муваффақиятли ишлаб чиқилганлиги мана шундай ҳамкорликнинг самараларидан биридир. Бошқариш системаси соҳасида қарийб 20 йилдан бери биргаликда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳар йили мутахассислар айирбошланмоқда, ўзаро симпозиумлар ўтказилмоқда.

ЮФСРдаги 100 дан кўп илмий тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ташкилотлари ҳисоблаш техникаси, энергетика, химия, металлургия, транспорт ва бошқа соҳаларда СССРдаги турдош ташкилотлар билан алоқа боғлаганлар. Айниқса машинасозлик соҳасида илмий изланишлар самарали тарзда олиб борилмоқда.

### ✦ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ

**УЛАН-БАТОР. Халқ Монголияси темирйўлчилари ўз байрамларини нишонладилар.**

Монголия ерида совет мутахассислари ёрдами билан биринчи темир йўл қурила бошлаганига сал кам 50 йил тўлди. Ўша вақтда 43 километр узунликдаги тор темир йўл Улан-Баторни Налайха кўмир райони билан боғлаган эди. МХРда социалистик қурилишнинг кенг қулоч ёйганлиги, янги йирик саноат марказлари барпо этилганлиги темир йўл транспортини жадал суръатларда ривожлантиришни тақозо қилди.

Пўлат магистралларнинг ходимлари ўз байрамини яхши кайфиятда кутиб олди. Республикада энг кекса Монголия — Совет корхоналари интернационал коллективи — Улан-Батор темир йўли еттинчи беш йиллик дастлабки икки ярим йили топшириқларини барвақт бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

### ✦ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

**ПНОМПЕНЬ. Халқ ҳокимияти органлари Кампучия меҳнаткашларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Республика медицина ходимлари юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан профилактика тадбирларини ўтказмоқдалар.**

Масалан, Чупдаги гевеязорларда ишлаётган диспансер ходимлари шу йилнинг биринчи ярмида 19,5 минг кишини эмладилар. Ишчиларни профилактик кўрикдан ўтказиш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Педиатрия миллий мактаби ривожланмоқда. Гўдакларнинг соғлиғини сақлаш Кампучия врачлари фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда. Кампот вилоятидагина 6 ой ичида 42 минг бола педиатр врачлар назоратидан ўтди.

Ҳозирги вақтда шу вилоятда 148 ўринли госпиталь, 5 та уезд диспансерлари ва 70 та медицина пунктлари ишлаб турибди. (ТАСС).

## ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ

СССР билан Ҳиндистоннинг кўп томонлама ҳамкорлиги — турли социал системаларга мансуб давлатлар тинч-тотув яшашининг намунаси, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг муҳим омилидир. Бизнинг мамлакатимизда бошланган анъанавий Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги муносабати билан йиғилишлар ва митингларда ана шулар таъкидланмоқда. Дўстлик ойлиги Ҳиндистон мустақиллигининг 36 йиллигига ҳамда иккала мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 12 йиллигига бағишланган.

Ойлик давомида дўстлик кечалари, кинокўриклар, лекциялар, концертлар бўлиб ўтади. Шартномага бағишланган илмий сессия алоҳида ўрин олади. Иккала мамлакат олимлари, сиёсат ва жамоат арбоблари барча соҳаларда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш билан ҳамда ана шу муносабатларни мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг роли билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Шу кунларда очиш кўзда тутилаётган кўпдан-кўп экспозициялар орасида РСФСРда хизмат кўрсатган рассом Н. Величконинг Москвадаги Дўстлик уйида ташкил этилган «Ҳиндистон бўйлаб» виставкаси бор.

Ойликда Совет Иттифоқи дўстлари жамияти раҳбарлигининг аъзоси, Ҳиндистон маориф, маданият ва социал таъминот министри Ш. Каул бошчилигидаги шу жамият делегацияси, Ҳиндистон — Совет маданият жамияти делегацияси, шунингдек Ҳиндистоннинг Бихар, Ғарбий Бенгалия, Карнатака, Махараштра, Ражастон штатларидан келган меҳмонлар қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

## САЛЬВАДОР ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯСИ

САН-ХОСЕ. Июль ойида Сальвадор партизанлари 69 марта жанговар операция ўтказдилар. Бунинг натижасида ҳукумат қўшинларининг 446 солдати сафдан чиқарилди ва артиллерия тўплари, миномётлар, пулемётлар каби кўплаб турли қуроллар қўлга туширилди. Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг бу ерда тарқатилган ҳужжатида шулар хабар қилинади.

Сальвадор ватанпарварларининг сўнгги жанговар операциялари шуни кўрсатдики, АҚШ бераётган жуда катта ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ёрдамга қарамай, Сальвадорнинг диктаторлик режими граждан урушида устунликка эриша олмаяпти, ташаббус планета тараққийпарвар жамоатчилигининг тобора кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган қўзғолончи халқ қўлида қолмоқда.

Сальвадордаги ҳарбий можаро бутун Марказий Америка регионига ёйилиб кетганлиги учун Рейган маъмурияти тамоман жавобгардир, дейди Сальвадор революцион демократик фронтининг раиси Гильермо Мануэль Унго Американинг «Форн полиси» журнали мухбири билан суҳбатда. У Вашингтоннинг ҳарбий режимга бераётган ёрдами Сальвадор халқининг азоб-уқубатлари ва хунрезлик кучайишига олиб келмоқда, деб таъкидлади.

Сальвадор партизан отрядлари — золимларга қарши қўзғолон кўтарган халқ армиясидир, халқни эса мағлубиятга учратиш мумкин эмас, деди революцион демократик фронт раҳбари. Г. Унго вужудга келган вазиятда Сальвадор можаросини тинч йўл билан ҳал этиш зарур, деб таъкидлади. Ватанпарвар кучларнинг АҚШга нисбатан ҳеч қандай душманлиги йўқ ва улар ҳамиша проблемани сиёсий йўл билан ҳал этиш учун мулоқот бошлашга тайёрдирлар. Бироқ, айни Рейган маъмурияти музокараларни рад этиб, Сальвадор масаласини ҳарбий воситалар билан ҳал этишга уринмоқда.

## ЧАД ИШЛАРИГА АРАЛАШУВГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

**Жаҳон жамоатчилиги Чаддаги империалистик кучларнинг интервенциясини, НАТО давлатлари ва улар ҳомийларининг бу мамлакатни Африкадаги янги мустамлакачилик экспансияси плацдармига айлантириш йўлидаги уринишларини кескин қораламоқда.**

✦ МАПУТУ. АҚШ ва Франциянинг Чад ички ишларига аралашуви — империалистик давлатларнинг жаҳонда ўз стратегик, сиёсий ва идеологик таъсирини таъминлашга қаратилган куч-ғайратларининг бир қисмидир, деб ёзади «Нотисиаш» газетаси. АҚШда Франция «Чад картаси»ни чийлаб, қитъанинг марказида мустаҳкамланиб олиш ниятидадир. Улар Шимолий Африкани халқаро кескинликнинг катта манбаига айлантириш учун урушни Чаддан ташқари мамлакатларга ҳам ёйишга ҳаракат қилмоқдалар.

✦ БРАЗЗАВИЛЬ. Империалистик кучлар Чадни хиппа бўғиб, ҳарбий полигонга айлантирдилар, деб уқтиради «Этумба» газетаси. Империалистик монополиялар ривожланаётган мамлакатларнинг ишларига қўпол равишда аралашиб, бунда уларга қўғирчоқ ролини бермоқдалар.

✦ ПАРИЖ. АҚШ Жануби-Шарқий Осиёда мағлубиятга учраганидан кейин, Африкада қасос олишга уринмоқда, деб ёзади «Юманите» газетаси. АҚШ давлат департаментининг вакили яқинда Вашингтон «Африка қитъасида муҳим стратегик манфаатларни кўзлаяпти», деди. Газета Оқ уй ўзининг авантюрасига Франция ҳукуматини ҳам тортишга уринаётганлигини алоҳида уқтиради.

✦ КОБУЛ. АҚШ империализми Чад ишларига аралашиш йўли билан ўзига итоаткор бўлган режимларнинг қақшаб қолган позицияларини мустаҳкамлашга интилмоқда, деб хабар қилади Афғонистоннинг Бахтар ахборот агентлиги. Империалистларнинг ана шундай авантюристик ҳаракатлари пировард мақсади — Африкадаги давлатларнинг табиий бойликларини ўзлаштиришдан, уларнинг суверенитетини чеклаб қўйишдан, миллий-озодлик ҳаракатини бостиришдан иборатдир.

(ТАСС).

## КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ИШДАН МАҲРУМ КИШИЛАР

**АҚШ меҳнат министрлигининг хабар беришича, июль ойида Америкада меҳнатга қобилиятли 10,6 миллион киши ишдан тамоман маҳрум бўлиб қолди. Бу мамлакатда меҳнатга қобилиятли кишиларнинг 9,5 процентини ўз ичига олади.**

**Шу нарса ажабланарлики, расмий статистика маълумотлари кишиларнинг иш билан таъминланиш ҳажмини чинакам акс эттирмайди. Чунки, расмий статистика ўз иши ва қобилиятини ишлата олмай, ҳафсаласи пир бўлиб қолган кишиларнинг меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтмай қўйганлигини эътиборга ҳам олмайди.**

### КУН КЕЧИРИШ ҚИММАТЛАШМОҚДА

**Уругвайда шу йилнинг етти ойи мобайнида тирикчилик қилиш қарийб 32 процент қимматлашди, деб хабар беради мамлакат статистика бошқармаси. Чиндан ҳам кейинги ойларда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ғоятда кўтарилиб кетди. Юқорида айтиб ўтилган давр мобайнида бундай маҳсулотларнинг нархи 34 процентдан зиёд ошди. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бундан ҳам кўтарилиши кутилмоқда.**

### ТАНГЛИК ЧУҚУРЛАШМОҚДА

**Ғарбий Германиянинг металлургия саноати мамлакатдаги етакчи тармоқларнинг бири ҳисобланади. Металлургия саноатидаги аҳвол ГФР экономикасида танг ҳолатлар чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. ГФР федерал статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, шу йилнинг январидан тортиб, июль ойигача қуйилган пўлатнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 12 процент қисқарган.**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**✦ ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлин қурилиш саноати оғир тангликни бошидан кечирмоқда. Бинокорлардан беш минг киши ишсиздир. Маҳаллий «Фольксблат» газетасининг ёзишича, шу соҳада банд бўлган меҳнаткашларнинг умумий сони кейинги ўн йил мобайнида икки баравар камайди.**

**✦ НЬЮ-ЙОРК. Америкадаги Кливленд шаҳрининг муниципал кенгаши кўпгина жамоат ташкилотларининг 27 август куни «Иш, тинчлик ва озодлик учун!» шиори остида Вашингтонга юриш ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлашга қаратилган резолюцияни бир овоздан қабул қилди.**

